



ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Шуша шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг “Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш” шиори остидаги норасмий саммитида иштирок этди.



Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев ва ТДТ Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқнинг ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шериклиқнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ушбу учрашув туркий дунёнинг маданият

пойтахтларидан бири бўлган Шуша шаҳрида ўтказилаётганида чуқур маъно муҳасаммиллигини таъкидлаб, Президент Илҳом Алиев раҳбарлигида Қорабоғда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини юксак баҳолади.

Ўтган қисқа даврда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида 30 дан ортиқ муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Ушбу саммитимиз глобал хавф ва хатарлар ортиб, ўзаро ишонч инқирози тобора кучайиб бораётган бир шароитда ўтмоқда. Бундай мураккаб вазиятда азалий қардошлиқ руҳидан куч олаётган алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга

кўтаришни, умумий ёндашувларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

Туркий давлатлар ўртасида кўп томонлама ва узоқ муддатли ҳамкорлиқни янада ривожлантириш мақсадига Ўзбекистон етакчиси қатор устувор масалаларга эътибор қаратди.

Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо ҳажми барқарор ўсаятгани ва ўтган йилда 27 фоизга ошгани мамнуният билан қайд этилди. Бундай юқори ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам кузатишмоқда.

Мамлакатларимиз бугунги кунда дунёнинг асосий бозорларига чиқиш ҳамда Буюк ипак йўлини янги тарихий шароитда қайта тиклаш учун қаттиқ бел боғлаган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани, рақамли тизимлар ишга туширилгани натижасида Транскаспий халқаро транспорт йўлаги орқали юк ташини ҳажми муттасил ўсиб бораётгани таъкидланди.

Бизнес учун энг маъқул тарифларни жорий этиш ушбу йўлакнинг рақобатдошлиги ва жозибдорлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, “Ягона ойна” тизимини йўлга қўйиш, божхона-чегара ўтказиш пунктларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти яқинда Тошкентда ташкил этилган Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилари

альянсини ТДТнинг транспорт соҳасидаги кун тартибини шакллантириш ва устувор вазифаларини амалга оширишга кенг жалб этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб ўтди.

Ташкилот доирасида Темир йўл маъмуриятлари кенгашини тузиш ва унинг дирекциясини Тошкент шаҳрида жойлаштириш ташаббуси илгари сурилди.

Жорий йил кузда бўладиган навбатдаги саммитга қадар халқаро коридорлар имкониятларидан янада унумли фойдаланиш ва автоташувларни тўлиқ рақамлаштириш, “яшил” йўлақлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича савдо ва транспорт вазирларига топшириқ бериш таклиф этилди.

Мамлакатимиз етакчиси иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш учун Туркий экология кенгашини тузиш ва унинг бош қароргоҳини экологик офатдан энг кўп зарар кўрган ҳудуд — Оролбўйидаги йирик шаҳар Нукусда жойлаштириш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари туркий дунё бугунги кунда иқлим бўйича халқаро ҳамкорликда ўзининг баланд овозига эга бўлиб бораётганини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Тадбирини юксак даражада ташкил этаётгани учун Озарбайжон Республикаси Президенти, хурматли Илҳом Ҳайдарович Алиев Жаноби Олийлари номига айтилган самимий миннатдорлик сўзларига тўлиқ қўшиламан.

Хурматли Президент Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев Жаноби Олийлариغا Қозоғистоннинг Ташкилотимизга самарали раислик қилаётгани учун алоҳида ташаккур айтмоқчиман.

Сизлар билан туркий дунёнинг маданият пойтахтларидан бири бўлган Шуша шаҳрида кўришиб турганимизда чуқур маъно муҳасаммиллигини таъкидлаб, Президент Илҳом Алиев раҳбарлигида Қорабоғда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини юксак баҳолади.

Ўтган қисқа даврда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида 30 дан ортиқ муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Ушбу саммитимиз глобал хавф ва хатарлар ортиб, ўзаро ишонч инқирози тобора кучайиб бораётган бир шароитда ўтмоқда. Бундай мураккаб вазиятда азалий қардошлиқ руҳидан куч олаётган алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни, умумий ёндашувларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу маънода, бугунги йиғилишимиз “Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш” шиори остида ўтаётгани долзарб аҳамиятга эга.

Куйидаги устувор масалаларга диққатингизни қаратмоқчиман.

Савдо ва транспорт йўларини ривожлантириш.

Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо ҳажми барқарор ўсаятгани ва ўтган йилда 27 фоизга ошгани мамнуният билан қайд этилди. Бундай юқори ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам кузатишмоқда.

Мамлакатларимиз бугунги кунда дунёнинг асосий бозорларига чиқиш ҳамда Буюк ипак йўлини янги тарихий шароитда қайта тиклаш учун қаттиқ бел боғлаган.

Албатта, сўнгги йилларда Ташкилот доирасида бу соҳадаги ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда, рақамли тизимлар ишга туширилмоқда. Натижада Транскаспий халқаро транспорт йўлаги орқали юк ташини ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Бизнес учун энг маъқул тарифларни жорий этиш ушбу йўлакнинг рақобатдошлиги ва жозибдорлигини кескин ошириши шубҳасиз.

Биз “Ягона ойна” тизими йўлга қўйилишидан, божхона-чегара ўтказиш пунктларининг узлуксиз ишлаши таъминланишидан манфаатдормиз.

Ўтган ҳафта Тошкентда ташкил этилган Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилари альянсини Ташкилотимизнинг транспорт соҳасидаги кун тартибини шакллантириш ва устувор вазифаларини амалга оширишда кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Ташкилотимиз доирасида Темир йўл маъмуриятлари кенгашини тузиш ва унинг дирекциясини Тошкент шаҳрида жойлаштириш ҳақидаги таклифимизни маъқуллаш, деб ишонаман.

Топшириқ берсак, навбатдаги саммитимизга қадар савдо ва транспорт вазирларимиз халқаро коридорлар имкониятларидан янада унумли фойдаланиш ва автоташувларни тўлиқ рақамлаштириш, “яшил” йўлақлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқади.

Иқлим ўзгаришларига қарши биргаликда курашиш.

Ташкилотимиз ҳудуди иқлим ўзгаришидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан бири, десак, бу аниқ ҳақиқатдир.

Мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш учун бизнинг ташаббусимиз асосида вазирлар даражасида Туркий экология кенгашини тузиш таклифини маъқуллаш, деб ишонаман. Мазкур тизимла қароргоҳини экологик офатдан энг кўп зарар кўрган ҳудуд — Оролбўйидаги йирик шаҳар Нукусда жойлаштириш аниқ муддао бўлар эди.

Шу ўринда туркий дунё бугунги кунда иқлим бўйича халқаро ҳамкорликда ўзининг юксак ўрни ва баланд овозига эга бўлиб бораётганини алоҳида гурур билан таъкидламоқчиман.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Бокуда ўтказиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ХХІХ Иқлим саммити (COP — 29) барча мамлакатларимиз учун улкан тарихий воқеа бўлади.

Иқлим ўзгаришлари бўйича дунё етакчилари саммити муваффақиятли ўтишига чин дилдан тилакдошимиз. Биз мазкур нуфузли анжуманда фаол иштирок этишга ва бу борада Озарбайжонга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёرمиз.

Биз 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия қувватларини кескин ошириш ва энергетика балансида уларнинг улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганмиз. Шерикларимиз билан бирга йилига 2 гигаватт қувватдаги янги шамот ва қуёш электр станцияларини ишга туширмоқдамиз. Ушбу лойиҳалар давлат-хусусий шериклик тамойили асосида, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширишмоқда.

Мўқобил энергетика соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадига “Яшил энергетика сари туркий ҳаракат” концепциясини қабул қилишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Туркий дунё халқлари ўз тараққиётининг турли давларида умумбашарий цивилизация ривожига мислсиз ҳисса қўшганлар.

Номларини жаҳон аҳли яхши биладиган улуг аллома ва улаомларимиз иккита буюк Ренессансга асос солишган. Бу азал-азалдан халқларимиз ҳаётида инсон капитали нақадар юқори бўлганидан дарак беради.

Биз замонавий “билимлар иқтисодиёти”ни қуриш, креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, блок-чейн, булутли, квант ҳисоблаш технологиялари, робототехника, “тўртинчи саноат” кадрларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлиқни кучайтиришдан манфаатдормиз. Бунинг учун Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон капиталини ривожлантириш илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича ташаббусни илгари сурамиз ва уни юртимизда жойлаштиришга тайёرمиз.

Ташкилот шафелигида аниқ фанлар бўйича Ёшлар туркий олимпиадаси ва Бутунжаҳон туркшунослар конгрессини ташкил этишни ҳамда уларни келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этамиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Тўққиз ойдан буён Ғазо секторида кечаётган қонли уруш оқибатлари бизни чуқур қайғу ва изтиробга солмоқда. Тўқнашувлар 40 мингга яқин аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар ҳаётига зомин бўлганини ҳеч бир сабаб ва баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Биз зўравонликларни зудлик билан тўхтатишга, тинчлик жараёнларини тезроқ бошлашга чақирамиз.

Мустақил ва озод Фаластин давлатининг ташкил этилиши Яқин Шарқда стратегик барқарорлик ва тинчликни таъминлашнинг энг асосий шартидир.

Яна бир муҳим масала.

Минг афсуски, жаҳоннинг бошқа минтақаларида уруш ва можаролар кучайиб бораётгани алоҳида ён қўшимиз бўлган ва кўп миллионли туркий халқлар истиқомат қилаётган Афғонистондаги вазият халқаро ҳамжамият эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Ўзбекистон афғон халқига зарур ёрдам кўрсатишни бундан буён ҳам давом эттиради.

Афғонистоннинг хориждаги “музлатилган” молиявий активларини қайтарши мамлакатдаги ижтимоий вазиятни юмшатишга хизмат қилишига ишонамиз.

Янги воқелик шароитида Афғонистон масаласи бўйича Ташкилотимиз аъзоларининг умумий ва яқдил ёндашувларини ишлаб чиқиш масалалари ташқи ишлар вазирларимиз мулоқотларида асосий муҳокама мавзуси бўлиши лозим.

Хурматли дўстлар! Бугун илгари сурилган барча таклиф ва ташаббуслар “Туркий нигоҳ — 2040” концепцияси ҳамда Самарқанд шаҳрида қабул қилинган Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси мазмунига мос ва уйғундир.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди

Бошланиши 1-бегда

Шу маънода, жорий йилнинг ноябрь ойида Бокуда ўтказиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим самити (COP — 29) ТДТ мамлакатлари учун улкан тарихий воқеа бўлишига ишонч билдирилди.

Мудобил энергия манбаларини ривожлантириш аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия қувватларининг энергетика балансидаги улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганини маълум қилди.

Хусусан, хорижий шериклар билан бирга йилгига 2 гигаватт қувватдаги янги шамол ва қуёш электр станциялари ишга туширилмақда.

— Қўшни Қирғизистонда гидроэлектростанцияларини Қозоғистон билан биргаликда қуриш ишларини ҳам бошлаяпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ҳамкорлики кенгайтириш мақсадида “Яшил энергетика сари туркий ҳаракат” концепциясини қабул қилиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари туркий дунё умум-башарий цивилизация ривожига мислсиз ҳисса қўшганини таъкидлади.

— Номларини жаҳон аҳли яхши биладиган улуг аллома ва улаомларимиз икки буюк Ренессансга асос солишган. Бу азал-азалдан халқларимиз ҳаётида инсон капитали нақадар юқори бўлганидан дарак беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан замонавий “билимлар иқтисодиёти”ни қуриш, креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, блокчейн, булутли, квант ҳисоблаш технологиялари, робототехника, “тўртинчи sanoat” кадрларини

тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлиқни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон капиталини ривожлантириш илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Шунингдек, Президентимиз ташкилот шафелигида аниқ фанлар бўйича Ёшлар туркий олимпиадаси ва Бутунжаҳон туркшунослар конгрессини келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганлар эътиборини Ғазо секторига мураккаб вазият юзгага келиб, қонли уруш 40 мингга яқин аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар ҳаётига зомин бўлганига қаратди. Томонларни зўравонликларни зудлик билан тўхтатишга, тинчлик жараёнларини тезроқ бошлашга чақирди.

Мустақил ва озод Фаластин давлатининг ташкил этилиши Яқин Шарқда стратегик барқарорлик ва тинчликни таъминлашнинг энг асосий шарти экани қайд этилди.

Мамлакатимиз етакчиси кўп миллионли туркий халқлар истиқомат қилаётган Афғонистондаги вазиятга тўхталар экан, ушбу масала бўйича ташкилот аъзоларининг умумий ва яқдил ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон афгон халқига зарур ёрдам кўрсатишни бундан буён ҳам давом эттиради. Афғонистоннинг хориждаги “музлатилган” молиявий активларини қайтариш мамлакатдаги ижтимоий вазиятни юмшатишга хизмат қилишига ишонамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Саммит якунида Қорабог декларацияси ҳамда ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари бўйича қатор қелишувлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунни Туркий дав-

латлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Венгрия кўп қиррали муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Май ойида Тошкент шаҳрида Хукуматларо комиссияси йиғилиши ва бизнес-форуми самарали ўтказилди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки баробар ошди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони кўпаймоқда, 30 июндан Тошкент ва Будапешт ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди.

Саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, логистика, қурилиш ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестиция лойиҳаларининг янги портфелини тайёрлаш ва жорий йил якунига қадар Қўқон шаҳрида Худудлар форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик фаоллашди. Икки мамлакат халқларини яқинлаштиришга қаратилган маданий тадбирларни ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Туркий давлатлар ташкилоти ва Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасига амалий таширифи якунланди.

ЎЗА

Экспертлар фикри ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР МАЖМУИ ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва туркий дунё равнақини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 5-6 июль кунлари Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг “Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш” шиори остидаги норасмий саммити тадбирларида иштирок этди.

Хорижий экспертлар таъкидлашича, Туркий давлатлар ташкилотининг мазкур

Транскаспий халқаро транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича ташаббусларни илгари сурди. Жозибадор тарифлар ва бизнес учун “Ягона ойна” тизимини жорий этиш таклифи, шубҳасиз, юк ташиш ҳажминини ошириш учун қўлай шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Айниқса, Ўзбекистонда Темир йўл маъмуриятлари кенгаши ва Инсон капиталини ривожлантириш илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуслари инновациялар ва “билимлар иқтисодиёти”ни ривожлантириш истагидан далолат беради.

Нукусда иқлим ўзгаришига қарши курашда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган Туркий экология кенгашини ташкил этиш таклифи муҳим ташаббус бўлди. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва уларнинг энергия мажмуасидаги улушини 2030 йилга бориб, 40 фоизга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани Ўзбекистоннинг “яшил” кун тартиби ва экологик барқарор ривожланишга интилишини кўрсатади.

Нукусда иқлим ўзгаришига қарши курашда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган Туркий экология кенгашини ташкил этиш таклифи муҳим ташаббус бўлди. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва уларнинг энергия мажмуасидаги улушини 2030 йилга бориб, 40 фоизга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани Ўзбекистоннинг “яшил” кун тартиби ва экологик барқарор ривожланишга интилишини кўрсатади.

Инвестиция ВЕНГРИЯЛИКЛАР СУРХОНДАРЁГА САРМОЯ КИРИТМОҚДА

Венгрия ЕИнинг тўлақонли аъзоси. Шу боис, Ўзбекистоннинг ЕИ билан алоқаларида Венгрия ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда. Машинасозлик, озиқ-овқат, қора ва рангли металлургия, электроника, мебель ва енгил саноат бу мамлакат саноатининг етакчи тармоқлари ҳисобланади. Винобарин, Ўзбекистон ва Венгрия икки томонлама ҳамкорлиқни янада кенгайтириш учун юқори имконият ва салоҳиятга эга.



Кейинги йилларда бу икки давлат муносабатлари сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига кўтарилиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг истиқболлари очилмоқда. Биргаликдаги интилиш ва амалий ишлар натижаси ўлароқ йилдан йилга ушбу давлат иштирокидаги қўшма корхоналар сони ҳам ортиб борапти. Буни сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 баробар ортганида ҳам кўриш мумкин.

Сурхондарё вилоятида венгриялик инвесторлар худуд салоҳиятидан келиб чиқиб, озиқ-овқат йўналишида қатор лойиҳаларни ҳамкорликда йўлга қўйишга бел боғламалар. Жумладан, болалар озуқаси ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида бир қатор ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди.

Ўзбекистондан Венгрияга экспортнинг асосини тўқимачилик, хизматлар, озиқ-овқат, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистонда Венгрия капитали иштирокида ташкил этилган 16 та корхона муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 10 таси қўшма корхона ҳисобланади. Эндиликда бу рақамлар яна иккитига ортади.

— Биз бир неча кун давомида Сурхондарё вилоятида бўлиб, ҳамкорлар билан мулоқот олиб бордик. Уларнинг шарт-шароитлари

ҳамда бозор билан яқиндан танишдик. Хулоса шу бўлдики, Ўзбекистонга бемалол инвестиция киритишимиз мумкин. Сурхондарё эса хорижликлар учун қўлай география жойлашувга эга. Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош. Сотувда ҳам ҳамкорларни топиш муаммо эмас, — дейди венгриялик инвестор Томас Семерей. — Биз лойиҳага асосан, болалар учун витаминбоп ва юқори сифатга эга озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Дастлаб ушбу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этамиз ёки мавжудларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаймиз ва иш бошлаймиз. Шу билан бирга, бу ерда янги иш ўринлари ҳам яратимиз.

Маълумотларга кўра, бутун Ўзбекистонда 11 миллионга яқин 13 ёшгача бўлган болалар бор. Улар учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган озуқанинг катта қисми сут ва сут маҳсулотларидан иборат. Мева-сабзавотлардан тайёрланадиган болаларопп озуқа эса хорижий давлатлардан импорт қилинади. Ўзбекистонлик ва венгриялик тадбиркорлар иштирокида имзоланган ушбу лойиҳа асосида энди воҳанинг ўзидан 15 турга яқин ана шундай витаминларга бой болаларопп озуқа маҳсулотлари тайёрланади.

— Болалар озуқаси шу кунгача импорт қилинади, — дейди тадбиркор Рамазон

Пўлатов. — Энди Сурхондарёнинг ўзидан бу каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Аввалги маҳаллий бозор, сўнгра экспортни ҳам кўзда тутганимиз. Бунинг учун икки томоннинг ҳам салоҳияти етади.

Ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш учун вилоятда етарлича шароит ва имконият бор. Яна бир гап. Қўмқўргон туманида бугунгача ҳамкорликда мева ва сабзавотни қайта ишлаш, уни қуриштишга мўлжалланган корхона фаолият юритиб келаётганди. Эндиликда айнан шу туманда болалар озиқ-овқати йўналишидаги яна бир лойиҳа иш бошлайди.

— Хорижий ҳамкорларимиз Сурхондарёда етиштирилган мева-сабзавотлар витамин-боғлиғи, серусу ва хўштаъмлигини ўрганиб чиқди. Қўлай шароит ва имконият, хусусан, ишчи кучи юзасидан ҳам бу лойиҳа йўлга қўйилипти, — дейди Рамазон Пўлатов. — Бозорни ўрганиб чиқдик. Ҳозир импорт қилинаётган болалар озуқа маҳсулотларининг 100 грамм камидан 15 минг сўмдан сотилмоқда. Биз ишлаб чиқармоқчи бўлаётган маҳсулотларимиз нархи эса 100 грамм 7 минг сўмдан баҳоланади. Бу икки баробар арзон, деганидир.

Натижада 100 га яқин доимий иш ўрни яратилди. Яна салкам 2 минг нафар воҳаликнинг мавсумий тарзда иш билан бандлиги таъминланади. Бошқача қилиб айтганда, худудда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ўзига хос бозор яратилди.

— Венгрия технологияси асосида сутни қайта ишлаш жиҳозларини келтириб ўрнатишга келишиб олинди, — дейди “Сурхон саноат қурилиш” компанияси раҳбари ўринбосари Олег Воловик. — Бир кеча-кундузда 100 тоннагача сутни қайта ишлашни режалаштирганимиз. Икки томондан ҳам тажрибали мутахассислар иш олиб бораётгани, аниқ ташаббус ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш имконини беради.

Жорий йилнинг 7-9 апрель кунлари амалий таширф билан Венгрияда бўлиб қайтган Сурхондарё вилояти ҳокими бошчилигидаги делегация ушбу ўрт компаниялари билан Сурхондарёда балиқчилик ва пластмассани қайта ишлаш йўналишида умумий қиймати 37 миллион еврога тенг янги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ҳам келишувга эришди.

Айтиш лозимки, бу янги лойиҳалар Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги шериклиқни янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш имконини беради.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Дерья СОЙСАЛ, Марказий Осиё бўйича тарихчи, эксперт (Бельгия):

— Кейинги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти тўлақонли халқаро тузилма сифатида шаклланди. У минтақалараро ва глобал аҳамиятга эга тинчлик ҳамда ҳамкорлик минбари бўлибгина қолмай, балки жаҳон иқтисодий ўсиш марказларидан бирига айланди. Бу ўзгаришлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ушбу тузилмадаги сиёсий ва иқтисодий ўрни туфайли амалга ошмоқда.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг товар айирбошлаш ҳажми 30 миллиард долларга яқинлашётгани қувонарли. Шу билан бирга, томонлар ҳам ўзаро,



Холид Акрам ТАЙМУР, Покистоннинг “Умумий келажак жамияти” тадқиқот маркази ижрочи директори:

— Мазкур тадбирда иштирок этиш, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидagi муҳим ролини билдиради ва минтақалараро иқтисодий интеграция ҳамда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Саммитда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, технологик тараққиёт, транспорт алоқаси ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича иштирокчи давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон етакчиси ТДТга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият бериб, янги стратегияни, жумладан, савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тижоратни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажминини оширишни тартғиб қилди.

Шуша шаҳрида бўлиб ўтган “Транспорт ўзаро боғлиқлиги ва иқлим ўзгаришига қар-

ши курашиш орқали барқарор келажакни барпо этиш” мавзусига бағишланган саммит туркий халқлар ўртасидаги барқарор ривожланиш ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда Ўзбекистон етакчилигини яна бир бор кўрсатди.

Таъкидлаш керакки, 2019-2023 йилларда Ўзбекистон Президенти томонидан Ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қаратилган 50 дан ортиқ аниқ ташаббуслар илгари сурилди, улардан 42 таси муваффақиятли амалга оширилган, қолганлари эса якуний босқичда.

Ўзбекистоннинг ТДТга раислиги даврида 100 дан зиёд тадбирлар ўтказилди ва якунда “2022-2026 йилларга мўлжалланган ТДТ стратегияси” қабул қилинди. Ҳужжат “Туркий нигоҳ — 2040” концептуал дастурига асосланган бўлиб, унда кўп қиррали ҳамкорликнинг алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақа барқарорлигини оширишга

2019-2023 йилларда Ўзбекистон Президенти томонидан Ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга қаратилган 50 дан ортиқ аниқ ташаббуслар илгари сурилди, улардан 42 таси муваффақиятли амалга оширилган, қолганлари эса якуний босқичда.

О Ин КЁНГ, Жанубий Кореядаги Евроосиё туркуносилик институти директори, профессор:

— “Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш” шиори остида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити, ҳақиқатан, кенг қўламли муҳим масалаларни қамраб олган.

Савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва инвестицион-молиявий соҳаларда, шунингдек, “яшил” иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергия, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш соҳаларида минтақавий ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш масалалари ўрин олган кун тартиби замонавий глобал устуворликларни ўзидан акс эттиради.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида туркий давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва узоқ муддатли ҳамкорлиқни ривож-



лантириш учун қатор устувор масалалар муҳимлигини таъкидлади. Ушбу йўналишлар қаторига транспорт инфратузилмасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни рақамлаштириш, логистика ва транспорт йўлаги ташаббуслари кириди. Бу эса иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаб, минтақа барқарорлигини оширади.

ҳам ТДТ доирасида товар айирбошлашни ошириш бўйича улкан мақсадларни қўйган ва бунга туркий давлатлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамловчи транспорт лойиҳаларини ишлаб чиқиш ёрдам беради.

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари аъзо давлатларнинг ТДТга аъзо бўлмаган мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш нуқтани назардан ўз вақтида илгари сурилди деб ўйлайман.

Ушбу формат, бир томондан, турли минтақалар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамласа, иккинчи томондан, туркий дунё доирасида барқарор тараққиётни таъминлайди.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилда “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида Самарқандда бўлиб ўтган саммитдаги нутқида Ўзбекистоннинг истиқболли ёндашуви, умумий ривожланиш ва ўзаро боғлиқлик тарафдори экани таъкидланган эди.

“Яшил энергетика сари туркий ҳаракат” концепциясини қабул қилиш таклифи Ўзбекистоннинг ТДТ маконида экологик тоза технологиялар ва энергетикани ривожлантиришга интилишдан далолат беради. Ушбу ташаббус барқарор ривожланишга, углеводородларга қарамлиқни камайтиришга саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилишдан далолат беради.

Ташкилот шафелигида келаси йили аниқ фанлар бўйича Ёшлар туркий олимпиадаси ва Бутунжаҳон туркшунослар конгрессини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи туркий халқлар ўртасида таълим, илм-фан ва маданий алмашинувни ривожлантириш, ТДТ ўртасида мулоқот ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Дунё” АА

Нафқат банк тизими, балки барча соҳаларда ишбилармонларга қўлайлик яратилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас. Бонси, ортинги тадбиркорлар ҳам шунга жавобан ҳоҳиш қилиятти. Ўз устида ишлаб, ривожланиятти. Одамларни ишли қилиб, халқ фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқчи. Уларни ҳеч иккиланмай, она зимминининг ҳар жаҳодағи имкониятларини оқаётган, юртизм номини дунёга танитаётган катта куч деб айта оламиз.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

БУГУНГИ АДВОКАТ ҲУҚУҚИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИРМИ?

ЁХУД АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИДА КЕЧАЁТГАН ЯНГИЛАНИШЛАРГА БИР НАЗАР

Хулкар Тўйманова,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

“Агар қози хафа қилса, додингни кимга айтасан?” Халқимизнинг ушбу нақлида чорасизлик, норизолик ҳулосаси мужассам. Ҳақиқатан, сиз дуч келган ноҳақлик бўйича арз қилишингиз мумкин бўлган ташкилот ёки мансабдор шахс ҳуқуқингизни поймол қилиб турса, яна кимга мурожаат этиш мумкин? Ўтмишда ваколатли шахслар қарорининг ҳал қилувчи аҳамияти юқори бўлган. Бугунги ҳуқуқий нормаларга таянган дунёда-чи, “қози хафа қилса”, кўниб кетаверамизми? Йўқ, албатта. Чунки бугун ҳақ-ҳуқуқларимизни ишончли ҳимоя қиладиган ҳуқуқий тизим яратилган. Адвокатура институти шулардан бири.

Ҳаётда ҳеч ким жабрланиш ёки айбланиш-ни истамайди. Аммо қўтилмаган воқеалар ту-файли одам мушкул вазиятга тушиб қолади, моддий ёки маънавий зарар кўради. Наҳот ис-таб, уни ундириси ва қоплаш чорасини излай-ди. Бу бўйича қўзғатилган жиноят иши — су-риштирув, савол-жавоб, гувоҳлар кўрсатмаси ойлار ўтиб йилларга уланади. Суд ҳукми ўқи-лади. Баъзан ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодим-лари амалдаги қонунчиликка таянган ҳолда айбланувчига енгиллик яратса, тоҳида вазият яна ҳам чигаллашади, сарсон-саргардонлик бошланади. Қонун номидан иш кўрадиган, гарданига ҳимоячи деган шарафли вазифа юклатилган адвокатнинг жамият ижтимоий-сийси ҳаётидаги роли ана шу жиҳати билан ўлчанган ва қадрланади.

Кейинги йилларда бу институт нуфузини кўтариш, тўлақонли ўз-ўзини бошқариш тизим-ига ўтказиш, Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг улар ҳамжамияти олдидagi ҳи-собдорлигини кучайтириш, тизимга ёш кадр-ларни жалб қилиш давлат миқёсидаги масала-га айланиб бормоқда.

Инсон ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилишда адвокатура институти бошқа тизим-ларга нисбатан устун ҳисобланади. Тараққий-ет стратегиясида адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаа-тларини ҳимоя қилишдаги соҳахиятини тубдан ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектла-рининг малакали ҳуқуқий хизматларга талабини тўлиқ қондириш масаласига уруғ қаратилгани ана шунинг аққол ифодаси бўлди.

Мухим ҳужжатлардан яна бири Прези-дентимизнинг 2018 йил 12 майдаги “Адво-катура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармони бўлиб, убу ислохотларда янги босқични бошлаб берди. Фармон асосида адвокатура институтига оид қатор қондалар амалиётга жорий этилди. Жумладан, адво-катлар суд биносига компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириши ва фойдаланиши мумкин бўлди. Ад-вокатнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган маълумотнома, тавсифно-ма ёки унинг нуҳасини давлат ва бошқа ор-ганлар, қорхона, муассаса, ташкилотлардан олиш учун сўровномасига ўн беш кун му-датда жавоб берилиши шарт. У ўз фаоли-ятини мулк ҳуқуқи ёки амалдаги қонунчилик асосида ўзига тегишли турар жойда амалга ошириши белгиланди. Адвокат талабига кўра маълумотни ўз вақтида тақдим этма-ган, ёлгон ёки нотўғри фактни тақдим этган мансабдор шахс унинг судга тўғридан тўғ-ри мурожаати бўйича белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳатто мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам адвокатурага паст муносабатда бў-лингган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар у билан дەرли ҳисоблашмас, тақдим этилган иш учун аҳамиятли далил ёки маълумотни инобатга олмасди. Бу адвокат бўрсунки, соҳа жойбадорлигига таъсир кўрсатмай қолмасди. Мавжуд муаммоларга давлат миқёсида эъти-бор қаратилаётгани тудфайли адвокатура ин-ститути янги босқичга чиқмоқда.

Мамлакатимизда адвокат тақчиллиги ку-затилаётгани боис, 2030 йилгача улар сонини икки минг кишига кўпайтиришдек устувор вазифа ижросига киришилган. Соҳада ке-чаётган тўб ислохотлар натижасида ёшлар бу тизимга кўпроқ кириб кела бошлади. Биргина 2023 йилда 900 нафар ёш адвокатлар сафи-га қўшилди. Электрон ҳужжат алмашинуви кўп-лаб овозгарчиликларга нуқта қўймоқда. “Е-advokat” тизими ички ишлар, прокуратура, адлия ва бошқа органлар билан интеграция-лаштирилмоқда. Бу қўғозбозлик, навбат ку-тиш, порахўрлик каби ҳолатлар олдини олиш-га замин яратяпти. Ўзбекистон Адвокатлар палатаси соҳани янгилаш, тақомиллаштириш, мувофиқлаштириб бориш жараёнига бош-қош бўлаётди.

Палата томонидан ишлаб чиқилган иш ҳуж-жатлари — йўриқнома, низо, услубий қўл-ланма ҳар бир адвокатга дахлдор ҳисобланади. Палата раҳбарлари, масъул ходимлари ишти-рокида барча вилоятларда ўқув машғулотлари ўтказилиб, адвокатлар билим ва тажрибаси

ошириляпти. Шу билан бирга, Адвокатлар па-латасининг 17 давлат билан имзоланган ҳам-корлик меморандуми муҳим аҳамият касб эт-моқда. 2022-2023 йилларда ҳамкор давлатлар адвокатлари иштирокида икки бор халқаро конференциянинг Ўзбекистонда ўтказилиши ижобий ҳодиса бўлди.

Адвокатура институтининг янада фаол иш-лашига ҳалал берадиган муаммолар ҳам йўқ эмас. Баъзи ҳолларда адвокат ўз сўровига вақ-тида жавоб ололмайдди.

РАҚАМЛАШТИРИШ — МУҲИМ ЖАРАЁН

Ҳозир хоҳ давлат идораси, хоҳ банк ёки шифохонага бордин, қўл билан бажарила-диган хизмат турлари электрон тизимга ўт-казилмоқда. Зеро, рақамли трансформация жа-миятни янада модернизация қилиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш

Адвокат чигал масалаларга дуч келади, калаванинг учини топиш учун ойлаб изланади, тақдим этилган ҳужжатларни ўрганади, “иш” билан боғлиқ идораларга қатнайди. Мушқули осон бўлишидан умидвор шахсга амалдаги қонунчилик нормалари асосида ҳуқуқий ёрдам кўрсатуви адвокатнинг эшигидан одам аримайди. Қонун доирасида ҳалол, виждонан ишлаган кадрнинг юзи ҳамиша ёруғ, обрўси баланд, хизмати эътирофга лойиқ.



омилидир. Бу қўғоз тўдирини, навбат кутиш, таъматирилик қилиш, таниш-билишчилик каби салбий ҳолатларга барҳам беради. Демак, ад-вокатлар тизимини рақамлаштирмай туриб, уни ривожлантириш, хизмат сифатини оши-риш ҳақида гапириб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 майда-ги “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўр-сатиш тўғрисида”ги қонун айнан шу мақсад-га йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Бир-бирига боғлиқ ҳар иккала ҳужжат адвокат фаолиятини енгиллаштиради, унинг вақтини тежайди. Агар адвокатнинг ички иш-лар, прокуратура, суд ва бошқа органлар билан биргаликда суриштирув ишлари олиб бориши-ни инобатга олсак, папка қўлтиқлаб, гоҳ у, гоҳ бу идорага югуришини кўз олдингизга келтири-нг, қанча вақти, қанча асаби кетади! Идораларо электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйил-са, унинг иши осон ва енгил кечади.

— Аввало, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қо-нун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшим-чалар киритиш ҳақида”ги қонун амалиётга киритилди, — дейди Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси Бунёдбек Раҳимов. — Давлат ҳисобидан юридик хизмат олиш ҳуқуқига эга

бўлган шахсларга енгиллик яратиш мақсади-да 7 та қонунга жиноят, фуқаролик, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича ёки бошқа ҳолларда адвокат иштирок этишини таъминлашга қаратилган ўзгартриш ва қў-шимча киритилди. Жиноят кодексида суриш-тирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг юро-ридаги қонунга мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига юридик ёрдам кўрсатадиган адвокат иштирок этиши бўйича банд қўшилди. Суриштирувчи, терговчи, про-курорнинг тегишли ёрдам кўрсатиш тўғриси-даги қарори ёки суд ажрими “Юридик ёрдам” ахборот тизимига киритилиши зарур. Адво-кат ахборот тизими орқали автоматик тарзда танланади. Унинг ишда иштирок этиш ҳуқу-қи тасдиқланган пайтдан бошлаб тўрт соат ичида амал қилади. Адвокат гумон қилинув-чи, айбланувчи ёки судланувчи илтимоси ёки



розилиди билан бошқа шахслар томонидан тақдир қилинган ҳолларда уни жалб қилишга рухсат берилмайди.

Адвокатлик тузилмалари ва Адвокатлар па-латаси фаолияти кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш, аҳолининг малакали юридик ёр-дамга бўлган ҳуқуқларини юзага чиқариш мақ-садида 2023 йил 1 январдан 2024 йил биринчи чораги якунига қадар “Лицензия” ахборот ти-зими орқали 1336 та лицензия расмийлашти-рилиб, ҳимоячилар 5509 кишига етди. Адво-катлик тузилмасини давлат рўйхатидан, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш Ягона интерак-тив давлат хизматлари портали орқали “Ягона дарча” тамойили асосида фақат электрон тарз-да амалга оширилмоқда. Адлия органларига таширф буюрмай, зарур ҳужжатлар электрон тарзда мазкур порталга киритилиб, унинг дав-лат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги QR-код қўйилган гувоҳнома расмийлаштирилади.

Юридик ёрдам кўрсатиш жараёнини ра-қамлаштириш, адвокатура соҳасини давлат органлари билан интеграциялаш мақсадида “Юридик ёрдам” ахборот тизими ишга туши-рилиши тўғрйли уларнинг электрон реестри ва шахсий электрон кабинети шакллантирил-ди. Ногиронлиги бўлган шахслар ихтиёрий бепул ёрдам олиши учун адвокатлик тузил-маларида махсус мурожаат бўлими (pro bono) яратилди. 2023 йил 1 февралдан адвокатга муайян ишни юритиш учун анъанавий шакл-

даги ордер мақомига тенглаштирилувчи мах-сус QR-коди электрон ордер бериш амалиё-ти йўлга қўйилди. Бу ислохотлар адвокатлик си-рини сақлаш талабига риоя этилишини қатъий таъминлаб, аҳоли манфаатлари ҳи-моясига хизмат қилади.

ТИЗИМ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСА, НУФУЗИ ҲАМ ОШАДИ

Суд-ҳуқуқ, прокуратура, адлия, нотариат ва адвокатура соҳаси орқали жамият ҳаётида рўй бераётган ноқонуний хатти-ҳаракатлар тартибга солинади. Бу шунчаки ва тавakkal тарзда кечадиган жараён эмас. Амалиётга жо-рий қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таяниб иш қўрувчи ҳуқуқ-тартибот органлари нуфузли ҳокимият. “Адвокатура тўғрисида”ги қонун ушбу институт фаолияти билан боғлиқ бутун жараёни ўзида мукаммал этган.

Ўтган йили юртдошларимиз томонидан яқдиллик билан қабул қилинган янги тахрир-даги Конституциямизнинг бир боби адво-катурага бағишланган бўлиб, муҳим кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилди, — дейди Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси депутати Аҳмадбек Шодмонов. — Бош қонунимизда қайд этила-дики: “Жисмоний ва юридик шахсларга мала-кали юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатура фаолият институти амалдаги қонунчилик қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқа-риш принципларига асосланади. Адвокатура-ни ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби



қонун билан белгиланади”. Зеро, адвокатура нуфузли ҳуқуқий институт, у мазкур тизимда шуғулланувчиларнинг мустақил, қўнгилли, касбий ириллашмаларини ўз ичига олади. Кон-ституциямизга мувофиқ, мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қорхона, муассаса, ташкилотлар унинг юридик ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

Кейинги йилларда адвокатура одамлар ишонччини қозонган ҳуқуқини ҳимоя қилувчи институтига айланиши учун барча чора-тадбир-лар кўриляпти. Уларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун тўсиқ бўлаётган, ишонч-ли ва сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига ҳалал бераётган омиллар бартараф этилмас экан, у нуфузли қатлам бўла олмайдди. Бош қонунимиздаги адвокатура роли ва аҳамияти-ни кучайтиришга қаратилган яна бир нормага кўра, адвокат ўз касбий вазифасини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашishi мумкин эмас. Бу унга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳат бериши учун шарт-шароит яратяди. Демак, бу адвокатнинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясига олиниб, қонун би-лан муҳофаза қилинганидан далолат беради.

Суд ишини юртишда тенглик ва тортишув принципларига тўлиқ риоя қилинишида адво-катларнинг роли беқийёс. У низои судга ҳал қилиши, томонларни яраштириш чораларини кўриши керак. Адвокатларга мазкур соҳада

шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун мажбурий стажировка ўташ му-датининг олти ойдан уч ойга қисқартирилган-ни уларга яратилган яна бир енгиллик бўлди. Амалдаги адвокат ва янгидан бу макомни олган шахс Адвокатлар палатаси, Адлия ва-зирлиги томонидан ҳар бир танланган мута-хассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатади. Аввалдан ишлаб ке-лаётган адвокат лицензиясини қайта расмий-лаштирмайди, қайта аттестациядан ўтказил-майди ва йиғимларни тўлашдан озод этилади. Суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичида Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасини белгиланган тартибда ёзма ҳабардор қилиши лозим. Бундай имкониятлар олий маълумот олиш давридаёқ адвокатлик қиламан деган ёшларда қизиқиш уйғотиши табиий, албатта.

КАСБ ЭТИКАСИ — БИРЛАМЧИ ТАЛАБ

Ҳар қандай касб эгасининг ўз ишига ви-ждонан ёндашуви, ҳалол, сидқидилдан хизмат қилиши қадрланади, унга обрў-эътибор кел-тиради. Ножонз, ноқонуний хатти-ҳаракат кишининг юзини шувут қилади, йиллар даво-мида мисқоллаб йиққан обрўсини чиппакка чиқаради. Юртимизда барча соҳалар сингари адвокатура институти амалдаги қонунчилик талаблари асосида ташкил этилаётган бўлса-да, баъзан бу касб эгаси шаънига доир туши-раётганлар ҳам учраб туради. Айрим адво-

катларнинг фирибгарлик йўли билан фуқаро маблагини олиб, уларга ҳеч қандай енгиллик яратмасдан, ишни охирига етказмай, аросатда қолдириб кетиш фактлари йўқ эмас. Адвокат-лар палатаси ҳамда Адлия вазирлиги томони-дан касбини сунистеъмол қилаётган бундай кадрларга нисбатан қандай чора кўриляпти?

— Адвокат — ҳимоячи, у кимданжир жабр-ланган, ҳақ-ҳуқуқи топталган ёки катта миқ-дорда моддий-маънавий зарар кўрган шахсин тегишли қонунчилик ҳужжатлари доирасида муҳофаза қилиш керак, — дейди Адлия ва-зирлиги бош маслаҳатчиси Ёқутхон Юсупо-ва. — Мамлакатимизда 5400 дан ортиқ адво-кат мустақил фаолият юритади. “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунда бу касб эгасининг бурч, мажбурият ва ҳақ-ҳуқуқ-лари қатъий нормага солинган. Қонунчилик ҳужжатларида Адлия вазирлигининг адвок-атларга нисбатан таъсир чораларини қўллаш ва-колати назарда тутилмаган. “Адвокатура тў-ғрисида”ги қонунга асосан, соҳа ҳодими касб этикаси қондаларини бузса, интизомий жа-вобгарлик белгиланган, уни қўллаш масаласи Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий маж-лис комиссияси, ҳудудий бошқармалар ҳузу-рида қатъий кўрсатмалар бериб боришмоқда. Вазирлик ҳодимлари палата мутасаддилари билан ҳамкорликда ўтказаятган профилактик тадбирларда адвокатнинг касб этикаси қон-даларига риоя этилишини назорат қилиш юза-син қатъий кўрсатмалар бериб боришмоқда.

Юридик хизмат жуда серқирра, мураккаб, баъзи масалаларга ечим топишда қонунчилик ҳужжатларини чуқур ўрганиш керак. Ҳар қан-дай ҳолатда ҳам адвокат касб этикаси қонда-ларига содиқ қолиши шарт. 2023 йилда баъзи адвокатларнинг ўз касбини сунистеъмол қи-лиш ҳолатлари аниқланиб, 70 нафарининг лицензияси тўхтатиб қўйилган бўлса, 143 на-фарининг лицензияси тугатилди. Жабрланган фуқарони ҳимоя қилиш ўрнига ўз манфаати йўлида уни алдаб, тўзюнга илинтириш пай-ида бўлаётган адвокат бу соҳада ишлагаш ҳаққи йўқ. Адвокатлик фаолиятининг юксак стандартларини таъминлаш бўйича ҳудудий бошқармалар ҳузурида этика комиссияси иш-ламоқда. Фуқароларга намунали юридик хиз-мат кўрсатиб келаётган ходимларни рағбат-лантириш мақсадида жорий йилдан бошлаб “Адвокатура соҳасига қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини таъсис этилди.

КАДР ТАҚЧИЛИГИГА ЕЧИМ БОР

Қайси соҳада мутахассис кўп бўлса, ўша тармоқда рақобат муҳити юзага келади, ян-гиланиш жараёни кечади, дунё бозорига йўл очилади. Юртимизда олий ўқув юртлари сони сезиларли ошди. Шунга мос равишда айрим соҳаларда кадрлар кўплиги кузатилаётган бўл-са, баъзи тармоқларда ҳали мутахассис етиш-майди. Бу ҳолат айнан адвокатура йўналишида ҳам кузатишмоқда. Адвокатларнинг асосий қис-ми 50 ёшдан ошган бўлиб, соҳага ёш кадрлар-ни кўпроқ жалб қилиш даврининг ўзи тақозо этаётди. Муаммога ечим топиш мумкинми?

— Албатта, бунинг имкони бор, — дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитув-чиси, юридик фанлар бўйича фалсафа докто-ри Алибек Матмуротов. — Юриспруденция йўналишидаги олий таълим муассасалари то-монидан замонавий талаблар, илгор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайди-ган, ҳалол қадрлар суд, прокуратура, ички иш-лар ва қисман адвокатура соҳаси учун тайёрлаб беришмоқда. Талабалар билан мулоқот шуни кўрсатадики, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга эмас, балки адвокатура институтида ишлагаш қизиқиш билдира бошлади. Уларнинг ушбу институтига ишончини ошириш мақсади-да қатор истиқболли вазифалар белгиланган.

Хусусан, “Адвокатура” модули доирасида ўтилаётган дарсларга соҳани мукаммал эгал-лаган, ўз имижига эга мутахассислар кенг жалб қилинмоқда. Бу эса талабаларнинг ушбу институтига қизиқишини орттириши замин ярати-ши табиий. Кредит-модуль тизими асосида таълим олаётган талабалар учун “Адвокатура” мажбурий фан бўлиб, у жиноий одил судлов факультети учинчи босқичида таълим олаёт-ган 430 га яқин бўлгуси мутахассисга ўқитил-япти. 2020 йилдан бошлаб адвокатура инсти-тути назарий асосларини чуқур ўрганиш учун университетда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатура кафедраси, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб магистратура босқичи-да адвокатлик фаолияти мутахассислиги очи-лиши, ҳар йили 21 бакалавр қабул қилиниши катта қадам бўлди. Қолаверса, адвокатлар клу-бида талабалар адвокатлик касбига оид билим ва кўникмаларни эгаллаши мумкин.

2023 йил 9 августга қадар ёш мутахассис адвокатура соҳасида ишлаш олмас, ундан ҳу-қуқшунослик йўналишида икки йиллик иш стажини қўлга киритиш керак. Адвокатурага ёш кадр-ларни кўпроқ жалб қилиш учун бу талаб бекор қилинди. Яна бир имконият Президентимиз-нинг 2023 йил 8 майдаги “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан яратилди. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасаси юриспруденция йўналиши талабаларига адвокатлик тузилмасида меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқишдан бўш вақти-да ишлагаш ҳуқуқи берилди. Бу ёш ҳуқуқшу-носнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва ад-вокатлик тизимига захира кадр тайёрлаш учун яхши имконият яратмоқда.

ҚОНУН ДОИРАСИДА ИШЛАГАНГА НИМА ЕТСИН?

Адвокат чигал масалаларга дуч келади, калаванинг учини топиш учун ойлаб изланади, тақдим этилган ҳужжатларни ўрганади, “иш” билан боғлиқ идораларга қатнайди. Мушқу-ли осон бўлишидан умидвор шахсга амалдаги қонунчилик нормалари асосида ҳуқуқий ёр-дам кўрсатуви адвокатнинг эшигидан одам аримайди. Қонун доирасида ҳалол, виждонан ишлаган кадрнинг юзи ҳамиша ёруғ, обрўси баланд, хизмати эътирофга лойиқ.

— Оғир вазиятга тушган фуқаронинг шикоятини тинглаб, ҳужжатларини син-чиклаб ўрганамиз, — дейди Бухоро шаҳ-ридаги адвокатлик бюроси раҳбари Зафар Тоиров. — Адвокатга ишонч билдирувчи ва ҳимоя остидаги шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини юзага чиқаришга ёрдам берадиган қонуний восита, усул ва услуб-лар мавжуд. Аввало, Конституция, кодекс, қонун ва турли қонуности ҳужжатларга мурожаат қиламиз. Фаолиятимиз давомида турли жиноят ишларини дастлаб туман/ша-ҳар, вилоят, қолаверса, Олий суд босқичла-рида кўриб чиқиб, якунига етказамиз. 2017 йилдан жорий йилга қадар ноҳақ айбланган 186 шахсга доир жиноят ишларини тугатиб, оқлов ҳукми чиқаришга эришилди.

Ҳа, адвокатлар ҳаётда ҳақ-ҳуқуқлари топ-талган, руҳан ва жисмонан эзилган, ноҳақлик гирдобига тушиб қолган инсонлар манфаати учун курашиши, уни ёруғликка олиб чиқиши зарур. Зеро, ўз касби, шаънига муносиб ад-вокат шундагина ўз қадр-қимматини топиб, эътироф этилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Таъминот занжирини бошқариш муҳимлиги кундалик ишларимизда яққол кўзга ташланади. Аслида, бажарган ҳар бир ишимиз, кунлик режаларимиз логистика, сотиб олиш ва режалаштириш каби таъминот занжири функцияларини ўз ичига олади. Тарихдаги энг муҳим қўлайлик ва ўзгаришларга таъминот тизимида фаолият юритган инсонлар ҳам катта ҳисса қўшган. Бунни Генри Форд, Сам Валтон, Стив Жобс ҳамда Жефф Безос кабилар фаолиятида яққол кўриш мумкин. Улар нафақат машинасозлик, балки йирик чакана савдо, технология ва электрон тижорат соҳалари, шунингдек, таъминот занжирини бошқаришнинг ҳақиқий усталари эди. Шу боис, бу шахслар бизнесга оид адабиётларда таъминот занжирини бошқариш йўналиши намояндалари сифатида эътироф этилади.

Хориждаги ватандош

ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРИ БОШҚАРУВИ

Юртимиз учун истиқболли соҳа

бўлгани ҳамда ортирган тажрибангиз билан ўртоқласангиз.

— Фаолиятимиз давомида турли вазифаларни бажариш, ҳар хил инсонлар билан мулоқот қилиш талаб этилади. Профессional ўқш давомида одамнинг функционал масъулияти ҳам кенгай боради. Масалан, “Ўзсаноатэкспорт” АЖдаги халқаро таъминот тизими бўйича фаолиятимда хорижлик ҳамкорлар билан ишлаш, Ўзбекистон бозоридаги етказиб берувчилар билан ҳамкорлик қилиш, экспорт ҳақида билим бериш ҳамда халқаро таъминот стандартларига мослаштириш зарур эди. Бундан ташқари, юридик, логистик, сифат ва контракт масалалари, кичик, ўрта ва йирик тадбиркорларнинг экспорт амалиётини йўлга қўйиш вазифалари ҳам масъулиятим доирасига кирарди.

Кейинги босқичларда эса автомобилсозлик соҳасига эътибор қаратдим. Шунингдек, нолдан бошланган турли лойиҳаларда фаолият юритдим. Улар ҳам мен учун катта тажриба мактаби бўлди.

Дастлаб француз концерни Peugeot Citroen билан Ўзбекистон ҳудудида завод қуришга муваффақ бўлдик. Бу лойиҳада ички бозорни ривожлантириш, инфратузилма яратиш, маҳсулотни минтақа талабларига мослаштириш, юридик масалаларни ҳал этиш, талабни прогноз қилиш, бизнес-режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда таъминот тизимидаги хавфларни бошқариш каби вазифалар зиммамда эди.

Бу ерда ортирган тажрибам мени Volkswagen лойиҳасига етаклади. Мазкур компанияда фаолиятим бошланиши пандемия билан бир вақтга тўғри келгани сабабли аввалига бирмунча қўйин бўлди. Бироқ жамоа билан бирга компаниянинг таъминот бизнесини ривожлантириганимиз ва дилерларимиз сонини оширганимиз сари ишчилар нufуси кўпая берди.

Компанияда, асосан, немис, рус ва маҳаллий ҳамкорлар билан бирга таъминотимиз ва бизнес ривожини учун бирдамликни таъминлаш, ички эҳтиёжларга қўра маҳсулотларни мувозанатлаш, кўпайтириш, сотиб олиш ва режалаштириш билан шуғулландим.

Орадан бир оз вақт ўтиб, ўзимни хорижда синаб кўришга қарор қилдим ҳамда ҳаракат бошладим. АҚШда таъминот занжири бошқаруви соҳасида нуфузлилардан бири бўлган

Юртимизда туризм гуллаб-яшнаши учун имконият ҳам, салоҳият ҳам анча юқори. Бу ресурслардан оқилона фойдаланиш, тўлақонли ишлата билиш, янги манбалар илмини яратиш ва эртага натижасидан баҳраманд бўлиш ўз қўлимизда.

Висконсин-Мадисон университети менга энг маъқул танлов бўлди. Барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, ушбу нуфузли университет грантини ютиб олдим. Бунни қарангки, бир вақтнинг ўзида “Эл-юрт умиди” жағмармаси стипендияси соҳиби ҳам бўлдим.

Бу ОТМда ўқиш давомида дунё бўйлаб таъминот занжири бошқаруви рейтингига юқори ўринда турувчи Schneider Electric компаниясида логистика муҳандислик йўналишида амалиёт ўтадим. Иккинчи курсдан бошлаб эса халқаро бизнес бўйича профессорга ёрдамчи бўлиб, семинарларда ўрганган билимимни тендишларим билан баҳам кўрдим. Шундай қилиб, таъминот занжири соҳаси сўнгги тўққиз йилда ҳаётимнинг бир қисмига айланиб қолди.

— Менимча, бунинг бир нечта сабаби бор. Аввало, таъминот занжири бошқаруви Ўзбекистонда нисбатан янги соҳа бўлиб, унга ўқитиш тизимининг ўзидаёқ мутахассислар танқислиги учрайди. Шу боис, ОТМларда бу борадаги таълим дастурлари ҳали кенг ривожланмаган.

Шунингдек, таълим дастурлари ва курслар чеклангани ҳам сабаблардан бири. Махсус ўқув курслари ва сертификатлаштириш турлари етарли бўлмагани, мавжуд дастурларнинг эса халқаро талаб ва стандартларга тўлиқ мос эмаслиги мутахассис тайёрлашда муаммолар келтириб чиқармоқда. Халқаро компаниялар билан ҳамкорлик имкониятлари камлиги ва амалиёт ўташ учун зарур ресурслар етишмаслиги масалани янада чуқурлаштиради.

— Тажрибангиздан келиб чиқиб, мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантириш борасида қандай тавсияларингиз бор?



жатларни шакллантириш, халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда бизнес жараёнларини енгиллаштириш учун зарур ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш даркор.

— Сиз технология мавзусига тўхталдингиз. Энди таъминот тизимида қўлланадиган технологиялар ва методлар ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

— Таъминот тизимидаги иш жараёнида қўллаб замонавий технология ва методлар татбиқ этилади. Мисол учун, автомобилсозлик санаятида ERP тизимидан фойдаланилади. Бу тизим бизга реал вақт режимида маълумотларни кузатиб бориш ва тезкор қарор қабул қилиш имкониятини беради. Лекин сўнгги йилларда автосаноатда SAP ERP тизимига ўтиш учун саёй-ҳаракатлар кузатиляпти. Ўйлаётганки, яқин келажақда унинг натижасини кўраимиз.

Автосаноат таъминот тизимининг юқори босқичида, айниқса, ишлаб чиқаришда таъминот занжирини оптималлаштириш мақсадида lean management ва six sigma методлари ҳам кенг қўлланади. Шунингдек, 5C, Kanban ва Kaizen каби сифат бошқаруви ҳамда иш самарадорлигини ошириш методларидан унумли фойдаланилади. Бу методлар жараёнларни яхшилаш, исрофгарчиликни камайтириш ва юқори самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Қолаверса, Power BI ёки Tableau каби маълумотлар билан ишлаш тизими ҳам қўлланиб, у маълумотларни визуализация қилиш ҳамда таъминот тизимидаги вазиятни янада аниқ кўриш имконини беради.

— Таъминот занжири бошқаруви соҳаси билан боғлиқ келгусидаги режа ва мақсадларингиз қандай?

— Келажақдаги режа ва мақсадларим глобал таъминот занжирининг илгор технология ва инновацион ёндашувлар ёрдамида янги да-

ражага олиб чиқишга қаратилган. Асосий мақсадларимдан яна бири — таъминот занжирини бошқариш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш ва автоматлаштириш. Бу орқали ҳар бир босқични реал вақт режимида кузатиб бориш, ресурсларни самарали тақсимлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришга эришиш мумкин. Рақамлаштириш жараёнида сунъий интеллект ва замонавий технологиялардан фойдаланиш орқали таъминот занжирини хавфларни олдиндан аниқлаш ва олдини олиш имкониятини яратмоқчиман.

Шунингдек, халқаро компаниялар билан ҳамкорлик ва мулоқотни кучайтириш орқали яримўтказичлар масаласида натижаларга эришиш мақсади бор. Сабаби яримўтказичлар санаяти глобал таъминот занжирининг муҳим қисмидир. Бу ҳамкорлик орқали янги имкониятларни ўрганиш, инновацион ечимларни татбиқ этиш ва глобал миқёсда рақобатбардорлиқни ошириш мумкин. Шунингдек, барқарорлик ва экологик масъулиятни инобатга олиб, соҳада “яшил” технологияларни жорий этиш ва углерод изини камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳам келгусидаги мақсадларим қаторидан жой олган.

Бундан ташқари, логистика инфратузилмасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган янги технологияларни татбиқ этиш, автоматлаштирилган омборхона тизимлари, роботлаштирилган транспорт воситалари ва дроңлар ёрдамида етказиб бериш жараёнини тезлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш каби ташаббусларни ҳам ўзим учун келгусида забот этишим зарур марра деб биламан.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Жонибек АЛИЖОНОВ
сўхбатлашди.

Замон билан ҳамнафас

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТУРИЗМ РИВОЖИ

НАЗАРИЙ ВА ИЛМий ЁНДАШУВ САМАРАСИ

Фазлиддин МЎМИНОВ,

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи

Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳасига шиддат билан кириб келаётган туризм ислохотлари яқин йилларда ўзининг мустақкам илдиизларига, қонуний асосларга эга бўлди. Сайёҳлик мамлакат тараққиётига сезиларли ҳисса қўшибгина қолмай, аҳолининг, ёшларнинг дунёкараши, ҳаётга муносабати, турмуш тарзига ҳам ижобий таъсир ўтказди.

Айнан ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва мамлакатда хорижлик сайёҳлар оқимини кўпайтириш давлатимизнинг доимий эҳтиборида эканини қайд этиш зарур. Яқинда шу мавзуда бўлиб ўтган йилгиликда ҳам давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг тақдирини ҳисобга олиб, янги ўқув йилдан туризм соҳасидаги олийгоҳ ва техникумларда дуал таълимини жорий қилиш вазифаларини кун тартибига қўйилгани ёшлар ҳамда соҳа вакиллари учун муҳим аҳамиятга эга янгиллик бўлди.

Чуқки ақсарият ёшлар ҳозир мазкур ўрта бўғин кадрларидан иборат бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида уларнинг ўрни, меҳнат улу-

ши юқори. Бу пухта ўйланган вазиға ижроси амалиётга жорий этилар экан, дуал таълим тизими иқтисодиётда ўз самарасини кўрсатган Германия, Австрия, Швейцария ва Корея Республикаси каби мамлакатлар сингари натижаларга эришишимиз мумкинлиги ҳам айна ҳақиқат.

Мамлакатимизда соҳа ривожига йўналтирилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Халқаро ва маҳаллий тадбирлар кенг қўламда ташкил этила бошлади, соҳага ихтисослаштирилган янги таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди. Сайёҳлар оқимининг ошиши, янги туризм маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши, янгица йўналишлар ривожлантирилиши, инфратузилмани такомиллаштиришга оид саёй-ҳаракатлар, хорижий инвесторлар оқими, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқ вакилларининг таширифи каби янгиланишлар юртимизнинг нуфузли халқаро рейтингларда туризм учун энг муносиб



мамлакат сифатида юқори ўринларга кўтарилишга замин яратди.

Бу мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги жозибасини оширишда бир йўналиш, холос. Ҳали очилмаган имкониятлар чексиз. Чегара ҳудудларда, олис туманларда экологик, зинэрат, археологик, гастрономик, тарихий-маданий туризмнинг кайф этилмаган қирралари мавжуд. Биргина қадимий Миздахкан мажмуасига миллоддан аввали IV-III асрларда асос солинган,



Фориш туманидаги Уҳумсой петроглифлари, Ургутдаги IX асрга оид Несториан черкови қолдиқлари каби ёдгорликлар фикримиз далилидир.

Президентимизнинг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, амалиётда илмий ёндашувини ошириш, назария билан амалиёт интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимизда фаолият юритаётган 11 та олий таълим муассасаси ҳамда ҳудудларда 30 та олий таълим муассасаси ҳамда ҳудудларда 38 амалиёт бўйича маҳоратлиги таъйёрлаш йўлга қўйилди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир, Хўжайли, Эллиққалъа туманларида фаолият юритувчи гид-таржимон ва экскурсия етакчилари учун мўлжалланган услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Олийгоҳларга бириктирилган ҳудудларда 2,5 мингга яқин талаба иштирокида соҳа вакиллари учун 18 та қисқа муддатли курс ва туристик объектларда 38 амалиёт дастури амалга оширилди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Ангрени шаҳри, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент туманларида

бўйича контентлар халқаро википедия сайтига жойлаштирилди.

Сингапур менежментни ривожлантириш институти томонидан Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари ҳамда Ангрени шаҳрининг туризм ва меҳмондўстлик соҳасига оид маълумотлари қамраб олинган ягона электрон платформа — touism.mdis.uz веб-сайти яратилди ва туманларини туризм имкониятини акс эттирган логотип ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиалида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб туризм ихтисослиги бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир, Хўжайли, Эллиққалъа туманларида фаолият юритувчи гид-таржимон ва экскурсия етакчилари учун мўлжалланган услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Олийгоҳларга бириктирилган ҳудудларда 2,5 мингга яқин талаба иштирокида соҳа вакиллари учун 18 та қисқа муддатли курс ва туристик объектларда 38 амалиёт дастури амалга оширилди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Ангрени шаҳри, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент туманларида

жойлашган меҳмонхона, умумий овқатланиш жойлари ва даим олинмасларида ўрта бўғин кадрларини қайта тайёрлаш бўйича семинарлар ташкил этилиб, 300 йилгит-қизга сертификат берилди.

Олийгоҳлар томонидан ҳозиргача 16 та илмий анжуман ва форумлар, 8 та халқаро илмий конференция, 6 та этнофестиваль, 7 та ёзги ва қишки лагер ҳамда 32 та семинар-тренинг ташкил этилди. Хўзирга қадар ушбу тадбирлар натижасида туманларга 8 мингдан зиёд хорижлик ва 147 мингга яқин маҳаллий сайёҳ жалб қилинди.

Ушбу тадбирларнинг турли халқаро ташкилотлар, хорижий олий таълим муассасалари ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга молик. Биргина жорий йилнинг 17-18 май кунлари Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманида ўтказилган ёшлар фестивали амалдаги ишларнинг яққол ифодасидир.

ОТМлар профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ва иқтидорли талабалар томонидан сайёҳликни ривожлантириш мақсадида 13 та илмий тадқиқот иши бошланди. “Тахтакўпир, Хўжайли ва Эллиққалъа туманлари туризм секторини кенгайтириш хусусиятларини тадқиқ қилиш”, “Риштон, Чуст, Янгйқўрғон ва Байсун туманлари туристик салоҳиятини ошириш” ҳамда “Ноғиронлиги бор шахслар учун инклюзив туризм инфратузилмасининг интерфаол харитасини ошириш” лойиҳалари шулар жумласидан.

Юртимизда туризм гуллаб-яшнаши учун имконият ҳам, салоҳият ҳам анча юқори. Бу ресурслардан оқилона фойдаланиш, тўлақонли ишлата билиш, янги манбалар илмини яратиш ва эртага натижасидан баҳраманд бўлиш ўз қўлимизда. Ўзбекистон каби ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар учун юртимизда профессионал таълим, магистратура ва докторантура босқичларида хорижлик ёшлар учун халқаро грантларнинг кўпроқ ажратилиши, бу жараёнда уларнинг оилалари таширифи, яшаши учун алоҳида имтиёзлар берилиши, стипендия дастурлари кўпайтирилиши, ёзги халқаро оромгоҳлар, фестиваллар ва ёш олимлар форумлари билан майдонга чиқаётган олий таълим тизими барча ислохотларда ҳамisha халқимизга елкадош бўлади.

Янги Ўзбекистон — истеъдодли ёшлар мамлакати

ЗОМИН СЕМИНАРИ: Ижодкорлик руҳи УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Дунё, инсониятнинг маънавий қиёфаси, одамзоднинг яшаш ҳақиқати ҳам ўзгариб борапти. Бундай вазиятда мамлакатлар замон билан ҳамнафас бўлиш баробарида ўзлигини сақлаб қолишдек мураккаб жараён билан юзлашмоқда. Шундай паллада фақат билим, мустақил фикрли ёшлар давлатни юксалтира олади. Аммо шундай мамлакатлар ҳам борки, ўғил-қизлари илм олиш у ёқда турсин, тўйиб овқатланиш, дайди ўққа дуч келмаслик қайғуси билан яшаяпти. Тараққий этган аксар давлатлар ёшлари эса фақат мўмай пул топишга хизмат қиладиган илмларни ўрганиш билан банд. Шундай турфа хиллик ичра мамлакатимизда чин зиёли ёшларни тарбиялашга қаратилган ишлар бажарилмоқда. Фикримизни анъанавий Зомин семинари исботлайди. Жорий йилда ҳам Зоминга юзга яқин истеъдодли йигит-қиз жамланди. Улар устоз ижодкорлардан адабиёт, ҳаёт сабоқларини олди.



Зомин семинари юраги сўз тафтидан ловиллаб турган ёшларнинг иқтидорини юзга чиқариш учун муҳим майдон, таъбир жоиз бўлса, мактабдир. Адабиёт бирлаштирган ёшларда дўстона муносабат шаклланади. Уларнинг яхлит куч бўлиб одимлаши, мақсадларини тўғри йўналтиришига кўмак беради.

лари доим ҳам марказга келиб, устоз ижодкорлар суҳбатини олишга имкон бермайди. Оқибатда ёшларнинг иқтидори тирикчилик аталмиш оғир қарвон йўлида нест-нобуд бўлиши мумкин. Сўнг келажакка ишончи йўқолиб, дунёнинг майда ташвишларига ўралашиб қолади. Биргина ишончининг йўқолиши инсоннинг ҳаёт йўлини ўзгартириб юборади. Зомин семинари юраги сўз тафтидан ловиллаб турган ёшларнинг иқтидорини юзга чиқариш учун муҳим майдон, таъбир жоиз бўлса, мактабдир. Адабиёт бирлаштирган ёшларда дўстона муносабат шаклланади. Уларнинг яхлит куч бўлиб одимлаши, мақсадларини тўғри йўналтиришига кўмак беради.

қараганда ҳавойи гапга ўхшайди, аммо замирида асрлар синовидан ўтган ҳақиқат бор. Биргина жадидлар ҳаракатига назар солайлик. Улар асрий орзуга айланган озодлик йўлида сўз воситасида жанг қилмадимиз? Усмон Носир олис Сибирда ватан ёди билан яшамадими? Фитрат миллатнинг онгу тафаккурини ўзгартириш йўлида қурбон бўлмади-ми? Чўлпон ва Қодирий ўз асарлари орқали халққа кўзгу тутиб, озодликка, маърифатга олға бошламадимиз?

Уларнинг барчаси жисман маҳв этилди, бироқ эзгу мақсадлари, теран қарашлари авлодлар руҳида жонланди. Улар илгари сурган гоғлар жамиятнинг бирлаштирмоқда. Қисқаси, адабиётга фидоликни бугунгидеяни чуқурчи-



Ҳеч шубҳасиз, келажакнинг маънавий қиёфасини ёш авлод руҳини ўзлик билан тўйинтириш орқали шакллантириш мумкин. Қувонарлиси, янги Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт маънавий юксалиш билан бирга олиб боришмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодий бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”.

Фан ўсувчи тоғлар борлигини исботлаган. Истеъдод ҳам шундай тоғларга ўхшайди. У кўз олдингизда аста-секин ўсиб боради. Адабиётшунос олим, моҳир таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда, шу тарзда ўзини ўзи яратди. Ҳа, дунёдаги энг шарафли ва машаққатли юмуш инсоннинг ўзини шакллантиришидир. Зомин семинари тимсолидаги ижтимоий-сиёсий ва адабий жараёнлар янги Ўзбекистон бунёдкорларини камол топтиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Тоғ ўзини учун ердан, инсон эса ажодлар закосидан қувват олади. Зомин семинарларида хал-

тақдим этган. Бугун шундай аллома бобларимиз қолдирган меросга муносиб авлодни тарбиялаш кун тартибидоғи масаладир. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ҳамкорлик, дўстона муносабатлари, илгари сураётган ташаббуслари самара бермоқда. Дунё аҳлини эзгуликка қорлаш билан бирга жамиятимизнинг ҳозирги даврга мос янгича қиёфаси шаклланипти.

Ҳа, янги Ўзбекистон бугун жаҳонга барқарорлик, гуманизм — инсонпарварлик гоғларини сингирмоқда. Мамлакатимиз илгари сураётган ташаббуслар қўллаб-қувватланаётганининг сири ҳам шунда. Мазкур ўзгариш ва ислохотларда чорак асрлик анъанага эга Зомин семинари иштирокчиларининг ўз ўрни ва овози бор.



қимизнинг чин зиёлилари ёшларга ана шу қувватни ажодлардан ўтиб келётган қадрият ва тушунчалар орқали бермоқда.

Халқимиз азалдан бой тарихга эга, асрлар давомида дунё тамаддуни бешигини тебратиб келган, табобат, аниқ ва ижтимоий фанлар, умуман, барча билимларнинг энг етуқ соҳиблари бўлган фарзандларни башариётта

Мамлакатнинг марказдан олис ва чекка ҳудудидоғи вояга етган бўлса-да, адабиётга хизмат қилиш, уни ўз тақдирини деб билишни кўнглига туккан, улкан мақсадларини кўзлаган ёшлар юртимизда кам эмас. Базми йигит-қизлар пойтахт адабий муҳитига, бу ердаги таниқли устозлардан сабоқ олишга иштиқоманд бўлади. Аммо ҳаёт ташвиш-

Семинарда иштирок этган адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров “Бугун сиз ёзаётган асарларнинг ҳозирги кунимизнинг нафасини акс эттираётган, халқимизнинг интилишлари, изланишлари, руҳоний, маънавий дунёсини кўрсатиб бераётган ва келажакнинг нажоткор эстетикаси, гўзаллигини ифодалаб бераётган асарлар деб ўйлайман”, дея ёшлар ижодида муносиб баҳо берди.

Бу семинарнинг яна бир муҳим жиҳати бор: унда қатнашган ёшларнинг ҳаммаси ижодкор бўлмаслиги мумкин, аммо онгу тафаккури миллий, ватанпарварлик ҳисси билан озиқланади. Аслида, адабиёт ҳаётини англаш, ўтиб бераётган ҳар бир лаҳзага тўғри ва ҳолис баҳо беришдир.

Аксари ёшлар ижод билан ҳавасмандликнинг фарқига ҳали етгани йўқ. Аввало, шеърят, драматургия, наср каби йўналишларда қалам тебратга бошлаганлар ўзлари даъво қилаётган манзилларни аниқ белгилаб олиши керак. Адабиёт шомол тегирмонини забт этиш эмас. У сўз орқали жангтоҳларда қон кечиши мумкин. Керак бўлган дамда халқни озодлик йўлида жипслаштириш, жаҳолатга қарши курашга ундайдиган маёқ вазифасини ўтай олиши ҳам керак. Булар бир

дан кўриб ўтиришга қийслаб бўлмайди. Бу йўл, керак бўлса, халқ манфаати учун қурбон бўлишга ундайди. Шунда ўз-ўзидан савол туғилади: бугунги адабиёт нимага хизмат қилиши керак?

Кейинги йилларда дунёнинг турли нуқталарида уруш алаңаси авж олиб, давлатлар ўртасидаги ишонч тобора заифлашиб бормоқда. Инсоният дунё ташвишлари теграсида моддият занжири билан чирмаб ташланган бир паллада яшаямиз. Шундай вазиятда адабиётнинг энг биринчи вазифаси миллий руҳни кўтаришга хизмат қилиш бўлмоғи зарур.

Бугун жаҳоннинг турли жойларида минглаб ўзбеклар истиқомат қилмоқда. Сизнингча, уларни ватан билан нима боғлаб турибди? Шубҳасиз, миллийликка тўйинган руҳият. Жисми ўзгартириш, тилини унуттиш мумкин, бироқ инсоннинг руҳоний олами барибир ватани, у билан боғлиқ хотираларидан озиқланиб яшайди.

Мана шу миллий руҳнинг асосини, албатта, адабиёт ва ёзувчи-шоирлар барпо этади. Бугун ватан манфаати йўлида камарбаста бўладиган, энг аввало, анъана ва қадриятларга содиқ ёшларни тарбиялашда ҳам адабиёт ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Иброҳим Ғафуровнинг семинар қатнашчиларига хитоб қилиб айтган куйидаги фикри гапимизни мантиқан асослайди: “Сиз келажакнинг нажоти бўлган, келажакнинг ўзинингизнинг ижодий изланишларингиз, янгилекларингиз билан белгиладиган

ва Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиқадиغان ёшларсиз. Шу боис, сизнинг ҳаёт ва ижод йўлингизга бепарво муносабатда бўлмаслигимиз керак”.

Президентимиз бугунги ёшлар қиёфасида келажакни кўраётгани бежиз эмас. Уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш ортидан фаровон келажакка замин ҳозирланмоқда.

Бугунги адабиётнинг бош гоёси миллий гурур бўлиши керак. Ҳозир орамизда ички бир ёвқараш ҳис билан барча ҳолатдан салбий маъно излайдиган, ўзи яшаб турган жамиятдан, миллатдан тонадиган айрим тоифа бор. Тўғри, бундай қатлам барча жамиятда дом бўлган, бўлади ҳам. Аммо гап уларнинг қанчалигиди. Ҳа, гоҳида миқдор ҳам сифатни белгилайди.

Қандай одам ўзи туғилиб ўсган заминга, улғайтирган халққа тош отиши, она тилига бефарқ бўлиши, тарихидан тониши мумкин? Фақат миллий гурурдан айро қилиш шундай қила олади. Эркин Воҳидов “Бу оламда йўқотишлар ичидоғи энг оғир йўқотиш инсоннинг ўзлигини йўқотишидир. Одамдод тафаккур ва эҳтирос, руҳият ва имон дунёсидоғи ашаддий. У юрагидоғи эътиқод билан, ишонч билан тирик ва бутун. Ўзликни йўқотмоқ ана шу оламдан жудо бўлмоқдир, инсон иморатидоғи руқияларнинг — устунларнинг синмоғидир”, деган эди.

Бу қараш ортидан бугун адабиёт майдонига кириб келётган, ўзини зиёли ҳисоблаган, шу ватанининг фарзандиман, унга хизмат қиламан, деган ижодкорлар елкасида улкан масъулият борлиғи ойдинлашади.

Истеъдод — илоҳий неъмат. Ижодкор қозға биттан сўзлар эса умумнинг манфаатини ўзида муҷассам қилиши лозим. Яъни ҳар бир асарда ватан ва миллат руҳи кезиб юриши зарур. Шу билан бирга, боболаримиздан ўтиб келётган яратувчанлик қобилияти бўй кўрсатиб туриши керак.

Ўзбек халқи — бунёдкор халқ. Аждодларимиз инсониятни мафтун этган қадимий шаҳарлар билан бирга маънавий олам қурилишида ҳам бирдек маҳорат кўрсатган. Яқинда Зоминда бўлиб ўтган II Халқаро мақом санъати анжумани очилиш маросимида АЙСЕКО Бош директори Салим Мухаммад ал-Малик бой тарихимиз, миллатимиз буюклиги ҳақида муносиб фикрлар билдирди. Ўзбек халқи ўзликнинг мустаҳкам сақлаб келётгани, томирида ҳаётий қудратга эга аждодлар қони оқаётгани ҳақида сўзлади. Миллатимизнинг қудрати хусусида тўхталиб, аждодларимиз дунё тамаддунига хизмат қилган энг муҳим илмларни, кашфиётларни инсониятга туҳфа этганини алоҳида миннатдорлик билан таъкидлади.

Давлатчилигимиз тарихидаги юксалиш паллалари адабиёт ва маънавиятга эътибор ортидан вужудга келган, десак муболага бўлмайди. Маънавият ва маърифат инсонга ақлий, руҳий қувват бахш этади. Кишиларни жаҳолат чангалидан қутқаради, бузуқ, ёмон, гуноҳ ишлардан қайтаради, эзгу хулқ ва одоб эгаси бўлишга кўмаклашади. Фақат чинакам маънавият ва маърифат уйғунлигига эришган одам инсон қадри, миллат қадриятлари, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашга яшаш мумкин. Шу сабабга кўра, маърифатли кишилардан

иборат жамият равнақ топади, келажаги порлоқ бўлади.

Соҳибқирон Амир Темур замонасида халқимиз маънавият ва маърифат борасида жаҳонда донт таратгани бежиз эмас. Маънавиятнинг ҳаётга сингдириш фақат таълим орқалигина эмас, балки маърифат ўчоқларини шакллантириш ортидан рўёбга чиқади. Зомин семинари ҳам шундай мақсадларни кўзлаб ташкил этилган. Бу эзгу иш бугун маънавият ва маърифат уйғунлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилишти. Халқ маънавияти ва маърифатининг юксалишига имкон бераётди. Бу йўлда ҳар ким иқтидори, истеъдоди, қобилияти, интилишига яраша муайян даражага эришади.

Зомин семинари ўтказила бошлагандан бери халқимиз жуда кўплаб ёш ижодкорларни кашф этди. Бугун улар турли жаҳонларда ўз сўзи ва ижоди билан миллатнинг асрий оруз-интилишларини қаламга олиб, фаровон юрт хизматида камарбаста бўлмоқда.

Маърифат тарқатиш билан сиёсат ва иқтисодий соҳаларида умумижтимоий ўзгаришлар содир бўлишга эришиш маънавият аҳлининг масъулияти, ҳар бир зиёлининг виждон ишидир.

Бугун ўз азму шижоати ва ўткир қалами билан катта майдонларни забт этишга чоғланган ўғил-қизларга яратилган шарафдор умумбашариётда миллат қиёфасини сақлаб қолиш, ёшларга анъана ва қадриятларни сингдиришда беқияс аҳамиятга эга.

Абдулла Авлоний “Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир. Маорифдан, фунундан ва маданиятдан маҳрум бўлган халқ жаҳолат панжаларининг орасида ҳамир каби эзилгандек, афъоли замирида ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшага олмас... Зероки, жаҳолат ва кўркич фақирлик ва муҳтожликдан зиёда даҳшатли бир мусибатдир”, деган эди.

Ижодкорлик руҳи умуммиллий ҳаракатга айланиши керак. Дунёда оломон маданияти пирамидалари шаклланимоқда. Миллат, ирқ ва динлар чегараси заифлашиб, миллий ва умуминсоний тушунчаларнинг оҳори тўкилиб борапти. Маърифатсиз тоифаларнинг инсоният томонидан бугунгача яратилган обидалар, қадриятларни оёқости қилишга уриниши авж олаётган даврда яшаймиз. Бундай мураккаб паллада ташқи таъсирларга қарши яқдил бирилиш умуммиллий ҳаракатнинг асосидир.

Ҳар бир миллатнинг келажакка даъвоси бўлади. Бу даъво умуммиллий ҳаракатга айланади. Миллий даъво нима? Бу асрлар давомида тўйинган қадриятларни асраб-авайлаш, эътиқод ва дин собитлиги, истиқлол химояси йўлида курашга шай авлодларни камолга етказиш, маърифий юксак, иқтисодиёти барқарор, назари тўқ халқ сифатида шаклланишидир. Бу йўлда ижодкор ёшлар қўшқанот бўлиши шубҳасиз.

Зомин семинарида қатнашган ўғил-қизлар нафақат ўзбек, балки жаҳон ёшларига ҳам ўз дунёқарashi, собитлиги, ватанпарварлиги, анъана ва қадриятларга содиқлиги билан ўрнак бўлиши керак. Бугунги Зомин руҳи ўзининг Ренессанс пойдеворини барпо этишга олам-жаҳон ҳисса қўшмоқда.



ҲАҲАТДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ДОҲИ ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “Кологра” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2311
42368 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Кологра” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (71) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 23:00 Тошхирлиди — 23:40